

ҚЎРИҚХОНАЛАР ВА МИЛЛИЙ БОҒЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР ТЕКШИРУВЛАРИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛИШИ КЕРАК БЎЛГАН МАСАЛАЛАР

Зиядуллаев Забихулла Рахматуллаевич
*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш
академияси магистранти*

Аннотация: Мақолада қўриқхоналар ва миллий боғлар тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор текширувларини ташиқил этишининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Муаллиф текширув жараёнига Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, Фанлар академияси ва бошқа мутахассисларни жалб этиш муҳимлигини асослаб берган. Шунингдек, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳуқуқий режимида роя этилишини ўрганиш бўйича прокурор назоратининг асосий йўналишлари ва услубий тавсиялар ёритилган.

Калит сўзлар: қўриқхоналар, миллий боғлар, прокурор назорати, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, экологик назорат.

Аннотация: В статье анализируются особенности организации прокурорских проверок исполнения законодательства о заповедниках и национальных парках. Автор обосновывает важность привлечения специалистов Национального комитета по экологии и изменению климата, Академии наук и других экспертов к процессу проверки. Также освещены основные направления прокурорского надзора и методические рекомендации по изучению соблюдения правового режима охраняемых природных территорий.

Ключевые слова: Заповедники, национальные парки, прокурорский надзор, охраняемые природные территории, экологический контроль.

Abstract: The article analyzes the specifics of organizing prosecutorial inspections regarding the implementation of legislation on nature reserves and national parks. The author substantiates the importance of involving specialists from the National Committee for Ecology and Climate Change, the Academy of Sciences, and other experts in the inspection process. Furthermore, the main directions of prosecutorial supervision and methodological recommendations for studying compliance with the legal regime of protected natural areas are highlighted.

Key words: Nature reserves, national parks, prosecutorial supervision, protected natural areas, environmental control.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар соҳасидаги ижтимоий муносабатлар тармоқлараро бошқарув тизимини тақозо қилади. Қўриқхоналар ва миллий боғлар бир пайтнинг ҳам ўзида табиий объект, ҳам ер, шаҳарсозлик соҳаларининг ҳам объекти бўлади[1].

Қўриқхоналар ва миллий боғлар тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан текширишга тайёргарлик кўриш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, тизим ташкилотлари ва бошқа ваколатли давлат органларидан тегишли ахборот ва маълумотлар, статистик кўрсаткичларни талаб қилиб, чуқур таҳлил қилишлари шарт. Зеро, табиатни муҳофаза қилиш прокуратуралари фаолиятини қонунийлик ҳолатини чуқур таҳлил қилиш асосида ташкил этиш ва стратегик истиқболли режалаштиришни қўллаш – юқори натижаларга эришиш, прокурор назорати ҳужжатлари қўллаш орқали давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини ўз зиммаларидаги ваколатларни амалга оширишга йўналтириш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар эътиборини мавжуд экологик муаммоларга қаратиш имконини беради[2].

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонуни ижросини текширишнинг асосий мақсади – Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, тизим ташкилотлари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши аҳолини ўрганган ҳолда Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, унинг ҳудудий тизимлари ва бошқа ваколатли давлат органлари томонидан ўзларига қонун ҳужжатлари билан юклатилган вазифаларнинг тўлақонли бажарилишига ҳамда улар фаолиятига қонуний баҳо беришдан иборат.

Шу боис, ушбу ваколатли органларда уларга мазкур қонунчилик билан юклатилган давлат назорати ваколатлари ва вазифаларининг бажарилишини тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда текшириш лозим.

Текширишга Ўзбекистон Фанлар Академияси, давлат молиявий назорати, меҳнат, кадастр, соғлиқни сақлаш ва маҳаллий ҳокимият органларидан мутахассислар жалб этиш талаб этилади. Тегишли идоралардан мутахассислар жалб этилганидан сўнг уларга текшириш ўтказиш дастури тақдим этилиб, мутахассисларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилган ҳолда соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари ижроси Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, унинг тизим ташкилотлари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда бевосита ўрганилади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ва унинг тизим ташкилотларида:

- экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш, такрор кўпайтириш соҳасида ягона давлат сиёсатининг ишлаб чиқилганлиги ва амалга оширилганлиги;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шу жумладан давлат қўриқхоналари ва табиат боғларини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат экологик назоратининг ташкил этилганлиги, амалга оширилганлиги ҳамда самарадорлиги;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шу жумладан давлат қўриқхоналари ва табиат боғларини муҳофаза қилиш соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ишларнинг самарадорлиги;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шу жумладан давлат қўриқхоналари ва табиат боғларини муҳофаза қилиш соҳасида жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик, шунингдек, экологик таълим ва маърифат тизими ташкил этилганлиги;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шу жумладан давлат қўриқхоналари ва табиат боғларини муҳофаза қилиш соҳасига замонавий рақамли технологиялар ва дастурларнинг жорий этилганлиги;

– экологик таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш, экология, атроф-муҳитни асраш, шу жумладан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш масалаларида фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб борилганлиги;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шу жумладан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик амалга оширилганлиги, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ва бошқа мажбуриятлари бажарилиши таъминланганлиги.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда:

а) Давлат ва мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналарини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалалари бўйича:

– давлат ва мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари махсус ваколатли давлат органининг тақдимномаси бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан давлат табиатни муҳофаза қилиш илмий-тадқиқот муассасаси шаклида ташкил этилиши;

– давлат қўриқхоналарининг ҳудудида илмий-тадқиқот фаолияти ва атроф табиий муҳит мониторингини юритишдан ташқари ҳар қандай фаолиятнинг тақиқланиши;

– давлат қўриқхоналарида атроф табиий муҳит мониторинги юритилиши шартлиги ва ёнғинга қарши тадбирларнинг ўтказилиши;

– давлат қўриқхоналари илмий-тадқиқот фаолияти натижаларидан текин фойдаланиши ва илмий фондларини муддатсиз сақланиши;

– мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари ҳудудида илмий-тадқиқот, рекреация фаолияти, атроф табиий муҳит мониторингини юритиш, шунингдек пичан ўриш ва чорва моллар ўтлатиш, ёввойи ўсимликларни озик-овқат мақсадлари учун, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари ходимларининг ва мазкур қўриқхоналарнинг қўриқланма зоналарида яшовчи фуқароларнинг ўз эҳтиёжлари учун ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликларнинг доривор ва техник хом ашёсини тайёрлашдан ташқари ҳар қандай фаолият тақиқланиши.

б) Табиат боғларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш масалалари бўйича:

– миллий табиат боғлари Вазирлар Маҳкамасининг, маҳаллий аҳамиятга молик табиат боғлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарори билан ташкил этилиши;

– табиат боғлари зоналарининг ўлчамлари ва чегараларини ўзгартириш, улар қайси давлат органларининг тасарруфида бўлса, шу органлар томонидан, давлат экологик экспертизаси хулосасини инобатга олган ҳолда амалга оширилиши;

– табиат боғлари ҳудудининг зоналарга бўлинган ҳолда табақалаштирилган режими ўрнатилиши;

– табиат боғлари ҳудудида дарахт ва буталарни кесиш, гидрологик ва гидрогеологик режимни ўзгартирадиган, тупроқ эрозиясини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг таназзулини келтириб чиқарувчи ҳаракатлар, табиат боғларининг фаолияти билан боғлиқ бўлмаган йўл ва муҳандислик-коммуникация ишларини амалга ошириш, чиқиндиларни сақлаш ва кўмиш, оқава сувларни оқизиш, тирик организмларнинг янги ва кенжа турларини иқлимлаштириш мақсадида жойлаштиришни тақиқланиши.

в) Айрим табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудларни муҳофаза қилиш масалалари бўйича:

– махсус ваколатли давлат органининг тақдимномаси, шунингдек, юридик ёки жисмоний шахсларнинг илтимосномасига биноан умумдавлат аҳамиятига молик буюртма қўриқхоналар Вазирлар Маҳкамасининг қарор, маҳаллий аҳамиятга молик буюртма қўриқхоналар эса маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан ташкил этилиши;

– буюртма қўриқхоналар муддатсиз ёки камида ўн йил муддатга ташкил этилиши;

– табиий питомникларни ташкил этилиши ҳамда уларда қайси ўсимликлар ва ҳайвонлар учун мўлжалланган бўлса, шу ўсимликлар ва ҳайвонларнинг сақлаб қолиниши, такрор кўпайтирилиши ва тикланишига хавф соладиган бошқа фаолиятни тақиқланиши.

г) Айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар ва уларни муҳофаза қилиш масалалари бўйича:

– айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар режимига риоя этилиши, ҳудудлар ҳисоботи ва кадастрининг юритилиши;

– мазкур ҳудудлардаги ўрмон ва ўсимлик дунёсини тиклаш, кўпайтириш борасида амалга оширилган ишлар, йиллик режаларнинг бажарилиши аҳволи;

– бу тоифадаги ҳудудларда ёнғинга қарши тадбирларнинг ўтказилиши, ҳудудлардан ноқонуний ва мақсадсиз фойдаланиш, шу жумладан ер майдонларини ўзбошимчалик билан эгаллаш, экин экиш, чорва моллар ўтлатиш, рухсатсиз дарахт кесиш, пайхон қилиш ва бошқа ўсимлик дунёсига зарар етказишга қарши курашиш юзасидан қатъий назорат ўрнатилганлиги.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мутахассисига:

– муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар кадастрининг мавжудлиги, унинг юритилиши аҳволи;

– муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг тўлиқ қамраб олинганлиги, муҳофаза қилишни ташкил этилиши ва бу ҳудудларда давлат назоратининг ўрнатилиши;

– табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг бошқариш режаларини ишлаб чиқиш тартиби белгиланиши;

– муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режимига риоя этилиши, табиий ҳудудга ҳамда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зарар етказилиши мумкин бўлган фаолиятларнинг олдини олиш юзасидан тегишли тадбирларнинг амалга оширилиши;

– айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудларда тирик организмларнинг янги ва кенжа турларини иқлимлаштириш мақсадида буюртма кўриқхоналар, табиий питомниклар ва балиқ ҳўжалиги зоналари тариқасида ташкил этилиши;

– муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ер участкаларини юридик ва жисмоний шахсларга эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки ижарага бериш учун экология экспертизаси ҳулосасини тайёрлаб беришда қонун талабларига риоя этилганлиги;

– муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқариш режаларининг лойиҳалари давлат экология экспертизасидан ўтказилганлиги;

– табиат боғлари зоналарининг ўлчамлари ва чегараларини ўзгартириш, улар қайси давлат органларининг тасарруфида бўлса, шу органлар томонидан, давлат экологик экспертизаси ҳулосасини инобатга олган ҳолда амалга оширилиши;

– вазирликлар, идоралар ва табиатдан фойдаланувчи бошқа ташкилотларнинг табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш юзасидан олиб бориладиган илмий-тадқиқот ишлари дастурини, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга доир низомларини мувофиқлаштириш борасидаги ишларнинг амалга оширилиши.

Кадастр агентлиги мутахассисига:

– муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ташкил этилиши, улар учун ер участкасини захира қилиниши, ушбу ер участкасини юридик ва жисмоний шахсларга эгалик қилиш, фойдаланиш ва ижарага берилиши ҳамда мақсадли ишлатилиши ва ерни қайтариб олиниши;

– тасарруфида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бўлган давлат органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳар бир ҳудуд бўйича паспорт ва бошқариш режаларининг юритилиши ташкиллаштирилганлиги;

– муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар чегарасида объектлар қурилиши учун ер ажратишда қонун талабларига риоя этилиши;

– муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда ноқонуний қурилган ва фаолият кўрсатаётган объектларни аниқлаш ва шундай объектларни кўчириш тадбирларининг амалга оширилиши.

Давлат молиявий назорат органи мутахассисига:

– муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг молиялаштирилишида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни жалб этишда қонунларга риоя этилиши;

– муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар учун ажратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши ҳамда ушбу фаолиятга оид молиявий хўжалик операцияларининг ҳисоботларда тўлиқ акс эттирилиши;

– ундириб олинган зарарни табиатни муҳофаза қилиш фондлари ва махсус, бюджетдан ташқари ҳисоб варақларига белгиланган тартибда ўтказилганлиги;

– қўмита фаолиятида мазкур соҳага доир бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилганлиги.

Бундан ташқари, текширишда юқорида қайд этилган қонунлар, қарорлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган бошқа масалаларга ҳам эътиборни қаратиш лозим.

Энг асосийси, ўтказилган текширув якунига кўра, прокурорлар аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан зудлик билан тегишли прокурор таъсир чораларини қўллашлари лозим бўлади, акс ҳолда ҳар қандай кечикиб муносабат билдириш фавқулудда ҳолатларнинг юзага келишига олиб келиши мумкин[3].

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Актуальные вопросы прокурорского надзора в экологической сфере: учебное пособие / Л.С.Булгакова, О.А.Гуреева, М.Б.Кабанова, В.В.Лавров; под ред. В.В.Лаврова. – Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский юридический институт (филиал) Университета прокуратуры Российской Федерации, 2025. – 58, [2] с. – (Серия «Правоприменение: теория и практика»). – С. 8.

2. Э.Р.Исламова, С.В.Ермаченко. Стратегическое планирование при осуществлении прокурорского надзора за исполнением законодательства об особо охраняемых природных территориях // КРИМИНАЛИСТЪ. 2022. № 2 (39). – С. 157.

3. Ермаченко С.В. Особенности прокурорского надзора в сфере охраны окружающей среды // «ИСКУССТВО ПРАВОВЕДЕНИЯ.THE ART OF LAW». №4(24) 2023. – С. 31.